O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
QORAQALPOG'ISTON
RESPUBLIKASI

AMUDARYO TUMAN
HOKIMINING
Q A R O R I

O'ZBEKISTAN RESPUBLIKASI'
QARAQALPAQSTAN
RESPUBLIKASI'

A'MIWDARYA RAYON
HA'KIMININ'
SH'ESHIMI

2018 йил 28 сентябрь № 594 Амударё тумани

Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун туманда 2019 йилга иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш тўғрисида

«Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги "Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш уринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага куйиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида"ги 965-сонли қарорига асосан ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштиришда ташкилотларнинг маъсулиятини ошириш мақсадида

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Мехнат тугрисидаги конун хужжатларига мувофик ташкилотлар - иш берувчиларга ижтимоий мухофазага мухтож, иш топишда кийналаётган ва мехнат бозорида тенг шартларда ракобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш уринларини захирага куйиш мажбурияти юкланганлиги маълумот учун кабул килинсин.

2. Ижтимоий мухофазага мухтож, иш топишда кийналаётган ва мехнат бозорида тенг шартларда ракобатлаша олмайдиган шахслар(кейинги уринларда мухтожлар деб юритилади) учун иш уринларининг энг кам сони ва уларга куйиладиган талабларни белгилаш буйича махсус комиссия таркиби 1-иловага мувофик, шу тоифадаги шахсларни ишга жойлаштириш учун 2019 йилга иш ўринларининг энг кам микдорини банд этиб қўйиши лозим бўлган корхоналар рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Мухтожларни ишга жойлаштириш учун иш уринлари ташкил килишда Вазирлар Махкамасининг "Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш уринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага куйиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида"ги 2017 йил 5 декабрдаги 965-сонли Карори (кейинги уринларда Карор деб юритилади) га 1-илова "Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш уринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага куйиш тартиби тўғрисида"ги НИЗОМ талабларига каътий риоя этишлари белгилансин

4. Белгилаб куйилсинки :

Мухтожлар учун иш уринларининг энг кам сони 2-илофада келтирилган ташкилотлар ходимлари руйхатидаги умумий уртача сонининг 81 иш урнини, 5,38 % ни ташкил этади.

Шундан:

ўн тўрт ёшгача болалари бўлган ва ногирон болалари бўлган ёлгиз ва кўп болали ота-оналар учун 37,57 фоиз (28 киши);

умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилар учун 40,74 фоиз (33киши);

сафарбарлик чакируви захирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари сафларидан муддатли харбий хизматдан бўшатилган шахслар 3,7 фоиз (3киши);

ногиронлар учун 3,7 фоиз (3киши уй мехнатига касаначи);

пенсия олди ёшидаги шахслар учун 4,94 фоиз (4киши);

жазони ижро этиш муассасаларидан озод килинган ёки суднинг карорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари кўлланилишидан озод килинган шахслар, 11,11 фоиз (9 киши);

одам савдоси курбонлари учун 1,24 фоиз (1 киши).

5. Ушбу тоифа шахслар учун белгиланган иш уринлари ходимлар томонидан узларининг мехнат мажбуриятларини тусикларсиз бажарилишини таъминлайдиган санитария-гигиена нормаларига хамда "Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш уринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага куйиш тартиби тўғрисида"ги НИЗОМнинг12-бандида назарда тутилган мехнат шароитларига мос келиши учун шу корхона, ташкилот, муассаса ва хужалик рахбари жавобгар эканликлари белгилансин.

6. Мухтожлар учун иш уринларининг энг кам сонини белгилаш буйича туман хокимининг ушбу карори бажарилмаганда, шунингдек, уларни

ишга кабул килиш асоссиз равишда рад этилганлиги учун мансабдор шахсларга конун хужжатларида белгиланган тартибда жавобгарлик белгиланганлиги маълумот учун кабул килинсин.

7. Туман Бандликка кўмаклашиш маркази (А.Собиров) 5 кун муддатда ушбу қарорни тегишли ташкилотлар рахбарларининг эътиборига этказсин ва бажарилиши юзасидан амалий назоратни таъминласин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг иқтисод ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари М.Темирбаев зиммасига юклатилсин.

9. Ушбу қарор туман "Тараққиёт кўзгуси" газетасида расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

Амударё тумани
ҳокими **С.Йўлдашев**

Амударё туман ҳокимининг
2018 йил 28 сентябрдаги
594-сон қарорига 1- илова

Туманда ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун банд қилиниши керак бўлган иш ўринлари сонини ва уларга қўйиладиган талабларни белгилаш бўйича махсус комиссия таркиби

М.Темирбаев	-Туман ҳокими биринчи ўринбосари, комиссия раиси
А.Собиров	-Бандликка кўмаклашиш маркази директори, комиссия котиби
Ж.Нурманов	-Бандликка кумаклашиш маркази ишсизларни ишга жойлаштириш ва ижтимоий куллаб кувватлаш булим бошлиги, комиссия котиби
М.Шерметов.	-"Ешлар иттифоқи" туман кенгаши раиси, комиссия аъзоси
А.Қўшаев	-"Махалла" хайрия жамоат фонди туман булими раиси, комиссия аъзоси

Амударё тумани ҳудудидаги корхона, ташкилот ва хўжаликларда 2019 йилда ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга қабул қилиш бўйича иш ўрнининг энг кам микдори.

Амударё тумани ҳокимининг
2018 йил 28 сентябрдаги
594-сонли қарорига
2- илова

2019 йилда Амударё тумани буйича ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун банд килиб куйиладиган иш уринлари

	Ижтимоий мухофазага мухтож, иш топишда кийналаётган ва мехнат бозорида тенг шароитларда ракобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш уринларини белгилаш таклиф килаётган корхона ва ташкилотлар руйхати (корхона ва ташкилотлар номи)	Штат жадвали буйича ходимларнинг умумий сони	Келгуси йилга захирага куйиш таклиф этилаётган иш уринлари сони	шундан						
				А	Б	В	Г	Д	Е	Ж
1	"Амударё пахта тозалаш" Акционерлик жамияти	426	20	7	6		3	2	1	1
2	Амударё туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси	125	8	4	1	1		1	1	
3	МЧЖ "AMUDARYOTEX" хорижий корхонаси	421	20	4	15	1				
4	ASIA SILK ШУЪБА КОРХОНА	76	6	3	3					
5	"Мангит инвест максимум" масъулияти чекланган жамияти	36	2	1	1					
6	Амударё сув махсус пудрат Давлат унитар корхонаси	55	4	2		1		1		
7	Туман ободонлаштириш бошкармаси	121	6	3	2				1	
8	"Амударё гишт заводи" масъулияти чекланган жамияти	50	4	2					2	
9	"Киличбой КУМ" масъулияти чекланган жамияти	41	4		1				3	
10	Мангит Назархон Ирригация тизими	50	2		2					
11	"Актау" масъулияти чекланган жамияти	20	1		1					
12	"Жуманиязов Илхом масъулияти чекланган жамияти	35	2	1	1					
13	Коракалпок кишлок курилиш масъулияти чекланган жамияти	50	2	1					1	
	ЖАМИ	**1506**	**81**	**28**	**33**	**3**	**3**	**4**	**9**	**1**

А-14 ёшгача ва ногирон болалари булган ёлгиз ва куп болали ота-оналар учун банд килинган иш уринлари сони

Б-умумий урта ва урта махсус касб-хунар таълими муассасаларини давлат грантлари буйича таълим олган битирувчилар учун банд килинган иш уринлари сони

В-сафарбарлик заҳираси хизматини ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар сафларидан муддатли харбий хизматдан бушатилганшахслар учунбанд килинган иш уринлари сони

Г-ногиронлар учун уй мехнатига касаначи килиб иш билан таъминлаш учун банд килинган иш уринлари сони

Д-пенсия олди ёшидаги шахслар учунбанд килинган иш уринлари сони
Е-жазони ижро этиш муассасаларидан ёки суднинг карорига кура тиббий тусдаги мажбурлов чораларини кулланилган шахслар учун банд килинган иш уринлари сони

Ж-одам савдоси курбонлари учун банд килинган иш уринлари сони

ASLIGA TO'G'RI
Amudaryo tuman hokimligi
Devon mudiri